



«ҚАМИШДАН БЕЛ БОҒЛАБ»?..

Гоҳо ғалати сўзларга дуч келамиз. Маъноси-га унча эътибор қилмаймиз. Ана шуларинг бири – «қамишдан бел боғлаб» деган иборадир.

«Сиз тўйни бошлайверинг, қамишдан бел боғлаб хизмат қиламиз», дея лоф уради валломат оғайнилар. Ажаб, қамишдан ҳам белбоғ чиқадими?

Она тилимиз давлат тили мақомини олгач, сўз ва иборалар маъносини теранроқ очишга, уларнинг келиб чиқишини аниқлашга интилиб қолдик.

«Қамишдан бел боғлаб» деган идиомани ҳам «хаваскор тилчи»лар элак-элак қилишди. Тўғрида, похолни чийратиб, белга боғлаб олиш мумкин, аммо қамишдан белбоғ чиқмайди: синиб кетади, бир амаллаб эгиб боғламоқчи бўлсангиз, қўлни кесади. Демак, «қамишдан бел боғлаб» дегани қадимда сал бошқача қўлланган бўлса керак, аммо... қанақа тарзда?

Буни топинг дилбарим, деганларидай, бу жумбоққа ҳар ким ҳар хил жавоб ҳозирлаган. Уч-тўрт йил бўлди, бир муаллиф асли «қамишдан эмас, қайишдан бел боғлаб», дейилган бўлса керак, чунки қайиш белбоғ ўта пишиқ бўлади, узилиб тушмайди, хизматга ҳозир одам ўзининг беминнат дастёрлигини шу орқали ифода қилган, дея фикр билдирди.

Бундай олганда, қамишдан бел боғлаганга қараганда бу мулоҳаза дуруст. Аммо... бир лекини бор. Биров қайишдан бел боғладим, демайди, камар тақдим дейди, камар минг йилдан бери бор нарса ахир. Шунинг учун қамишни қайишга айлантаришга ҳам шошмаган дуруст. Сониян, қайиш деган сўзни ўзбекнинг тили келишмай қамиш деб кетган

бўлса ҳам бошқа гап эди. Қамиш ҳам, қайиш ҳам қадимги туркий сўзлар-ку.

Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов эса бошқа бир талқинни олға сурган эди:

«Замонлар оша тилдан тилга ўтиб, сўзлари, ҳарфлари ўзгариб кетган, асл маъносини йўқотган мақол ва маталлар кўп, – деб ёзади адиб. – Халқда Меҳмон отангдан азиз, Устоз отангдан улуғ деган ҳикмат бор. Бирор ақлли зот, отадан улуғ, отадан азиз инсон бўлмайди, деб айтган чоғи, кейинги вақтда Меҳмон отангдек азиз, Устоз отангдек улуғ дейиш урф бўлди.

Отадан улуғ ва азиз кишининг йўқлиги ҳақиқат. Айнан шунинг учун ҳам бу ташбеҳ ишлатилади. Мақол халқ ижоди. Ижод бадииятсиз, бадиият муболағасиз бўлмайди.

Меҳмон отангдан улуғ, деганда биз аввало отани улуғлаймиз. Отадан азиз, отадан улуғ зотнинг йўқлигини муболаға воситаси билан тасдиқлаймиз.

... Одамларда тафаккур кучи ортгани сари тасаввур кучи камайиб бормоқда. Завқ-шавқ ўрнини совуқ ҳисоб-китоб эгалламоқда. Ақл ва юрак баҳсида ҳиссиёт енгилиб, қуруқ мантиқ ғалаба қилмоқда. Бу жамият учун хатарли ҳол. Ўзбек аскияни унутса, дўстона ҳазилларни эсдан чиқарса, сўзнинг латофатини англамай қолса, бу фалокатдир.

Мақолни таҳрир қилувчи хушёр дўстларга маслаҳатим бор: Агар «дан» ўрнига «дек» қўшишни жуда хоҳласангиз, халқнинг бошқа бир ибораси борки, уни шундай таҳрир қилса савобли иш бўлади: «Тўйлар қилинг, қамишдан бел боғлаб хизмат қилай,» дейдилар. Аслида қамишдан бел боғлаш

эмас, қамишдек бел боғлаб хизмат қилиш тўғрироқ бўлади. Қамиш неча бўғинли бўлса шунча қарра бели боғлиқ. Ичининг бўм-бўшлиги емай-ичмай хизмат қилишга, шамолда тебраниши тинч турмасликка, иш учун эгилишга, елиб-югуришга тимсол. Хипчалиги, ингичкалиги эса меҳнатга шай турган ёш йигитчадек. Мана буни ҳикмат деса бўлади»... («Сўз латофати»).

Устознинг бу фикрларини ҳам она сўзларимизнинг туб илдизларини қидириб топиш йўлидаги ҳаракат деб қабул қилсак-да, шу борада яна бир мулоҳазани диққатингизга ҳавола этсак.

Бу иборанинг жуда қадимийлигига юқорида фикри келтирилган иккала талқин муаллифлари ҳам амин. Ахир, қайиш боғлаб юришнинг ўзи унинг кўхнализини кўрсатиши, ёинки бўйра, бордон, чий, сават каби қамиш жиҳозлар рўзғорда катта ўрин тутган маҳалларга тааллуқли-ку бу ибора. Биз эса шу кўхналикка таянган ҳолда, уни тилимизда бўлган, аммо ҳозир тамом унутилиб кетган бошқа бир сўз билан боғлаб талқин этмоқчи эдик.

Бизнингча, бу иборанинг илк шакли «қайишдан...» ҳам, «қамишдек...» ҳам эмас, «кумошдан бел боғлаб хизмат қилиш» шаклида бўлган.

Хўш, кумош нима?

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (V жилд, 377- б.)да айтилишича: «Кумош (арабча: газлама, мато; бўз; эски латта-путта) эск. Мато, газлама. Ҳеч қандай уста ҳам тўқий олмайди оламнинг мунчалик атлас-кумошин (Ғ. Ғулом). Жандамга кўхан шоҳи кумошини алишмам (Муқимий)».

Демак, кумош – мато, газлама экан. Бироқ изоҳли луғатда уқтирилганидек, латта-путта эмас. Диққат қилсангиз, Муқимийдан ҳам, Ғафур Ғуломдан ҳам келтирилган мисралар кумошнинг анча сифатли матоҳ эканидан хабар берапти. «Фарҳанги забони тожики» (I жилд, 705 б.)да берилган шарҳга эътибор қилинг: «Кумош а. Газвори абрешимин, шоҳи.» Абрешим – ипак мато дегани.

Яна бир мўътабар манба – «Ғиёсул луғот» (жилди 2, сах. 144) да ёзилишича, «Кумош – рахт ва асбоб ва жомаи абрешуми ва матоъи хона; ва ба маънии жавҳар ва сифат низ омада» (Кумош – устки кийим, бошқа ашёлар ва ипақдан тўқилган жома; бу сўз бирон нарсанинг аслиги ва сифатини билдириб ҳам келади). Демак, кумош – ипақдан тўқилган пишиқ, чидамли мато, у билан бел боғланганида ечи-либ, шалвираб кетмайди.

Савол беришлари мумкин: ипақдан тўқилган мато бўлса, шоҳи деб қўяқолиш мумкин эди-ку? Йўқ. Чунки шоҳи – кумошдан кейин чиққан янада сифатли, қимматбаҳо ипак мато. У дастлаб фақат подшоҳларга насиб бўлган, шунинг учун ҳам у шоҳи (шоҳларбоп) деб аталган. Кумош эса жўн ипак мато. Ундан ҳукмдор ҳузуридаги одамлар ҳам кийим кийган. Чидамли қилиб тўқиладиган кумошдан белбоғ ҳам тайёрланган ва кумош белбоғ боғлаш хизматга шайлик белгиси бўлган.

Аста-секин шойи мато шоҳлардан бошқа одамларга ҳам насиб этди, оммалашди, кейин шой-

идан ҳам афзал бўлган атлас пайдо бўлди. Сўнг у ҳам ўтиб, атласнинг яна янги бир тури чиқдики, у хонатлас – хонларбоп атлас деб аталди. Демак, хонатлас хонлар замонида тўқиб чиқарилган. Алак, бўз, қалами, кумош эса аввал турмушдан, сўнг тилдан ҳам деярли чиқиб кетди. Яна бир туркум сўзлар борки, уларнинг объекти гарчи турмушдан чиқиб бораётган бўлса-да, тушунча сифатида ҳали анча фаол (обжувоз, нағал, гупчак, сўзана, атлас, бекасам, қарғашойи, ўғирма, банорас ва ҳ.).

Алишер Навоий асарларида эркак ва аёллар киядиган 60 дан ортиқ либос турлари тилга олинган: або, аблақ, абришим, атлас, воло, далқ, даббоғ, дебо, диклай (баъзи ўринларда «дакла», «декла»), доройи, елак, ёпук, жавшан, жанда, жома, жубба, жул, жиба, заркаш, иксун, капанак, катон, киш, кезим, кўктемур, лиҳоф, лоя, мошоб, муракқаб, ос, олтойи, паранд, парниён, пашмина, пўстин, песа, ридо, сайфур, сақарлот, синжоб, танпўш, тийин, тўрқа, ўрмак, хирқа, хилъат, хафтон, шол, ширдоғ, чакмон, чопон, чорқаб, қоқум, кумош, қабо, «ҳарир», ҳасирий либос, ҳулла ва ҳоказо. Тилшунос олимларимизга Навоий асарларидан буни синчиклаб аниқлаганлари учун миннатдорлик билдирган ҳолда айтиб ўтайликки, бу рўйхатнинг бир қисми либос, бошқа қисми эса матоҳ номларидан иборат.

Арабларнинг «кумош» сўзи форсий ва туркий тилларагина эмас, яна бошқа кўпгина тилларга ҳам ўзлашган. Русча «кумач» сўзи ҳам ана шу кумошнинг бир шакли. Рус тилининг изоҳли луғатларида унинг қалин қилиб тўқилган ип-газлама мато экани, асосан қизғимтир тусда бўлиши талқин этилган. Кумошнинг русларда ип-газламадан тайёрланишини бу халққа шойи материаллар кейин кириб келгани билан изоҳланади, бироқ руслар ҳам кумач (кумош) деганда қалин қилиб тўқиладиган, демакки пишиқ матони тушунишган. Қозон татарлари тўқиган кумошлар кўп машҳур бўлган.

Бу каби қадим сўзлар халқ қўшиқларида, мақол-матал ва ибораларида анчагина сақланиб қолади. Ибора ҳам қуйма шакли, бадий маъноси туфайли узоқ яшайди. Баъзан ҳатто таркибидаги айрим сўз тилдан чиққан бўлса, фонетик жиҳатдан унга монандроқ бирон сўз билан алмашиб ишлатила беради. Жумладан, кумош унга яқин, ҳаммага таниш бўлган қамиш билан алмашди: кумошдан бел боғлаб → қамишдан бел боғлаб.

Кумошнинг маъноси, кумош сўзи қўлланган иборанинг келиб чиқиши борасидаги бир талқин бу. Аммо иборани аввалгидай «қамишдан бел боғлаб хизмат қилиш» деб қўллай берамизми, ё «қайишдан» шаклига ўтамизми, ёхуд «қамишдек» деб янгилаймизми, ё бўлмаса «кумошдай» тарзида энг қадим шаклига қайтамизми, деган саволга жавобан уларнинг бирини кўрсатиш нотўғри бўлар эди. Одамлар қандай қўлласа, шуниси маъқул. Эл сўзи элакка солинмайди.

Зухриддин **Исомиддинов**.
Адабиётшунос.